Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 120 (3621)
ДУШАНБА
29 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МУСОБАҚА ТУФАЙЛИ

«Средазстроймашавтоматизация» бошқармаси коллективи

БУГУН

беш ойлик қурилиш-монтаж ишларн топшириғини муддатидан илгари адо этди. Ой охиригa қадар яна 35 минг сўмлик қурилиш ва созлаш ишлари амалга оширилади.

Бошқарма монтажчилари ва созловчилари ўтган ойлар ичида турли саноат корхоналарида созлаш ва монтаждаш ишларини бажаришди. Улар Андижон машинасозлик заводида Ўзбекистонда биринчи қуймаларни электро химия усулида тозалаш имконини берадиган конвейер линияси ўрнатишди. Ҳозир бу конвейер нуқсонсиз ишлаб, меҳнат унумдорлигини бирмунча оширишга имкон берди.

— Тошкент экскаватор заводида 5 тонналн кўтарма кранлар ўрнатилиши натижасида эса қуюв ва пўлат цехларида технологик жараёнларнинг тез ва сифатли амалга оширилишига замин яратилди.

МАКТАБДАН— КАТТА ҲАЁТГА

ЛЕНИН РАЙОН ОТА-ОНАЛАР ЙИҒИЛИШИДАН

Мактаб — институт. Яқиндагина ҳам мактабни битираётган ёшлар касб танлаш проблемасини шу тахлитда ҳал этар эдилар. Эндиликда вазият бутунлай ўзгарди. Статистика ҳам бунга гувоҳлик беради. Масалан, 1970 йили Ленин районидаги ҳунар-техника билим юртларига ўқишга фақатгина 82 ўсмир борган бўлса, 1977 йили 700 дан кўпроқ ёш ГПТУларда ҳунар ўрганиш, 514 ёш эса ишлаб чиқаришда ишлаш истагини билдирди. Бу йил эса уларнинг сафи янада ўсяпти. Бу фақатгина ҳунар-техника билим юртларининг оммалашиб кетаётганлиги эмас, шунингдек, мактабларнинг педагогика коллективлари томонидан олиб борилаттан катта профориентация ишлари, меҳнат тарбияси яхшиланаётганлиги, ўқувчиларнинг ишчи касбларига кўпроқ қизиқаётганлиги билан ҳам изоҳланади.

— Мактабда тарбияланувчи ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этгандагина, тарбия жамиятга фойдали ишга тайёрлик, меҳнатсеварлик ва ижтимоий бурч ҳиссини англаш даражасига етади, — деди Ленин район партия комитетининг секретари И. Н. Мельникова. «Ўқувчиларнинг касб танлаши — мактаблар олдида турган муҳим давлат вазифаси» мавзусида ўтган район ота-оналар йиғилишида килган докладида. — Район мактабларида ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш бўйича маълум бир система шаклланди. Ҳозирданоқ бошланғич синфларда ўқувчиларга меҳнат ва касб ҳақида умумий тасаввурлар берилмоқда, катта ёшдаги болалар учун эса бу тасаввурлар янада чуқурлаштирилмоқда. Ўқувчилар мактаб устахоналаридаёқ тикувчилик, слесарлик ва дурадгорлик касблари бўйича меҳнат кўникмаларини эгалламоқдалар.

Масалан, 175-мактабни битирувчи ўқувчилар биринчи разрядли дурадгор, 218-мактабни битирувчилар эса шофёр ва автослесарь, 121-мактабни битирувчилар холодильникларни тузатиш бўйича слесарь касбларини эгаллаб, шу касблар бўйича гувоҳномалар олишмоқда.

Юқори синф ўқувчилари эса ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида 9 ихтисослик бўйича касб ўрганишмоқда. Бу йил улардан 800 таси ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат билан бирга ў ёки бу ихтисослик бўйича разрядли гувоҳномаларни ҳам олишмоқда. Район корхоналарида ўтадиган ишлаб чиқариш практикалари ҳам катта самара беряпти.

Масалан, ўтган йилнинг ёз мавсумида 9-синф ўқувчилари отпускага кетган 25 ишчи ўрнида ишлаб, корхоналарга 19 минг сўм даромад келтиришди. Бу йил 9-синф ўқувчиларидан 1 минг 100 таси имтиҳонларни топшириб бўлиши билан район корхоналарида ишлаб чиқариш практикасида бўладилар. Ўқувчилар Янгийўл, Қибрайдаги совхозларда, меҳнат ва дам олиш лагерларида ҳам ишлайдилар.

Буларнинг ҳаммаси йилдан-йилга касб танлаш бўйича ишларни янада яхшилаш имконини беради.

Мухтабар Акромова 10-синфни битирганидан кейин 5-ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирди.

— Тикувчиликкa бўлган бу ҳавасим, — дейди у район ота-оналар йиғилишида сўзлаган нутқида, — меҳнат таълимидан дарс берувчи ўқитувчимиз Лариса Аркадьевна Мясоедовадан ўргандим. Мен бу опамиздан ҳам, мактабимдан ҳам тўғри касб танлашга ўргатганлиги учун жуда миннатдорман. Мен ҳозир аълочи ўқувчи сифатида билим юртини битираётиб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига кириш ҳуқуқига эга бўлдим.

218-мактаб педагогик коллективи ҳам касб танлаш соҳасида олиб борган ишларидан фахрланишса арзийди.

— «Меҳнатни ҳимоя қилиш» конкурслари, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва лаёқатларини ўрганиш бўйича ўтказилган дарс соатлари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиш, экскурсиялар билан ўқувчиларни уларнинг бўлғуси касбларига тўғри йўналтириш имконини бермоқда, — дейди мактаб директори Ина Фёдоровна Синельникова. — Бу эса ҳунар-техника билим юртларига ўқувчи юбориш планини бажаришга ҳам катта таъсир этяпти. Айниқса, М. Солихов, М. Феднина, З. Латипова каби ўқитувчилар касб танлаш соҳасидаги ишларни намунали олиб боришмоқда. Уларнинг синфидан 20 тадан ўқувчи бу йил ишчи касбларини танлашга аҳд қилишди.

Албатта, ўқувчиларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлашда уларда зарур касбларга қизиқиш уйғотишда ота-оналарининг ҳам роли катта. Октябрь революцияси номли заводда Николай Матвеевич Железнов кўп йилларлан буён слесарлар бригадаси бошлиғи бўлиб ишлайди. У асли врачнинг фарзанди. Унинг ота-оналари ёшлигиданоқ меҳнатга, ишчи касбларига ҳавас уйғотган. Николай Матвеевич ўз ишини доимо катта масъулият билан бажаради, ижодий ишлаб, доимо илғор ташаббусларни кўтариб чиқади. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига аъзо, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатдир. У коллективда, республикада, демак уйда ва оилада ҳам ҳурматли одам. Унинг ажойиб оиласи бор, икки фарзанди катта бўлмоқда. Эҳтимол улар Железновлар ишчи сулоласини ташкил этар. Шу заводда Н. А. Бектяшев деган киши ҳам ишлайди. У ишлаб чиқариш илғори, социалистик мусобақа ғолиби, ёшлар мураббийсидир. Унинг отаси ва онаси, катта акаси Валентин Бектяшев заводда меҳнат қилади. Ана шунинг учун ҳам бўлса керак, унинг кичик ўғли Валерий 175-мактабнинг 10-синфини битириб, Октябрь революцияси номли заводда ишлаш истагини билдирди.

Анатолий Александрович Порва ҳунар-техника билим юртини ўқувчилигидан «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йирик ташкилотининг бош инженеригача бўлган йўлни босиб ўтди.

— Ўғлим меҳнат қаҳрамонларидан ибрат олиб, 128-ҳунар-техника билим юртида автослесарлик касбини эгаллашга аҳд қилганлигидан фахрланаман, — дейди 243-граждан авиацияси заводининг электр монтажчиси Ҳабибулла Алиевич Абдураззоқов.

Район ота-оналар йиғилиши қатнашчилари ўзларининг фарзандлари касб танлашлари ҳақида, мактаб ва оиланинг бу муҳим ишдаги ҳамкорлиги ҳақида кўп фойдали мулоҳазаларни билдирдилар.

— Бугун ўғлим билан унинг ҳунар-техника билим юртида касб эгаллаши тўғрисида суҳбат қуришимиз керакка ўхшайди, — дейди, — 121-мактаб ўқувчиси Володя Лойконинг онаси ана шу мажлисдан кейин.

— Бу ерда ўғлим ҳам касб ўрганиши, ҳам ўрта маълумот олиши мумкин. Ким билади, балки у Николай Матвеевич Железнов ёки электротехника заводи монтажчиси, беш йилликнинг уч йили планини аллақачон бажарган Валентин Валитовдек ҳурматли одам бўлар. Ахир меҳнат инсонни юксакликка кўтаради, уни чиройли ва бахтиёр этади.

Беш йилликнинг уч йили плани—СССР Конституцияси кунигача



Тошкент тўқимачилик комбинатининг рассомлари газламалар учун 30 дан зиёд гул нусхаларини яратдилар. Улардан 20 тасига бадиий совет «аъло» баҳо қўйди. Совғабоп газлама шулар жумласидандир. Унинг автори — рассом С. И. Болшакова ўз ишини Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари V Тошкент кинофестивалига бағишлади.

СУРАТДА: комбинат рассомлари янги ишларни муҳокама қилишмоқда.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўрток Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тинчлик» асарлари ҳар бир меҳнат коллективи учун жанговар ҳаракат программаси бўлиб хизмат қилмоқда. Бу оташин асарларда улуғ совет халқининг буюк жасорати, халқимизнинг она—Ватан, Коммунистик партияга чексиз садоқати, меҳру муҳаббати акси топган.

«Средазнабел» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилишда доклад қилган корхона партия комитети секретари В. Д. Петров ва унда сўзга чиққан Улуғ Ватан уруши ветерани П. П. Хилько, корхонанинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги собиқ директори К. Ф. Сафонов, касаба союз комитетининг собиқ раиси В. М. Якшина, кучланиш ва контроль кабеллари цехи партия ташкилотининг секретари Н. П. Павлий мазкур китобларнинг ана шу ажойиб хислатлари ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Ёш ишчи Ирина Ким эса комсомол-ёшлар номидан сўзга чиқиб, бу асарлар коммунизм қурилишш йўлида бугун ҳечагидан, эртага эса бугунгидан ҳам ёрқинроқ ишлашга даъват этувчи қудратли китоблар эканини таъкидлади.

• *Шаҳар—қишлоққа*

ҒАЛЛА ТАШИШГА ТАЙЁРЛАНИБ

2521-автоколоннa коллективи ўн йилдан ортиқ вақтдан бери Жиззах областининг Ғаллаорол районига ғаллакорларига оталиқ қилиб келяпти. Автомобилчилар қишлоқ хўжалиги техникасини ремонт қилишга мунтазам катта ҳисса қўшишяпти. Ўрим пайтида эса ғаллани ташишда ёрдам беришади.

Ҳозир ғаллазорларда ҳосил етилаяпти. Автомобилчилар эса ҳаракатдаги составни Ғаллаорол районидаги хўжаликларга жўнатишга жадал тайёргарлик кўришяпти. 50 та автомобиль, шу жумладан 20 та «ЗИЛ-130» маркали машина ажратилди. Булар билан бир пайтнинг ўзида 120 тонна ғаллани ташиш мумкин.

Ғаллани тўкмасдан ташиб олиш энг муҳим вазифа. Ҳозир машиналар кузови ремонт қилиняпти, бортлари кўтариляпти, ҳамма автомобиллар атрофлича техник кўрикдан ўтказилади.

Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, йиғим-терим мавсумида жорий ремонт талаб бўлади. Шунинг учун ҳам автоколоннанинг техник хизмати зарур эҳтиёт қисмлар ва юқори малакали мутахассислар билан таъминланган махсус «техник ёрдам» автомобили ажратишга қарор қилишди. Бу бевосита дала шароитида носозликни бартараф қилиш, техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Донни ўз вақтида ва сифатли қилиб ташиш кўп жиҳатдан ҳайдовчиларга ҳам боғлиқ. Ҳозир тажрибали, интизомли, тоғли шароитда ғалла ташиш йўлини биладиган шофёрлар танланяпти.

БУГУН

ғалла йиғимига тайёрланган дастлабки ўн машина автоколонна мутахассислари томонидан техник кўрикдан ўтказилди.

В. ТИТОВ,
2521-автоколоннанинг катта инженери.

• *Сифат ва самарадорлик—шиоримиз*

Диплом топширилди

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўтган юбилей йилида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, анча дуруст муваффақиятларни қўлга киритди. Мусобақада бўюмларнинг техник даражаси ва сифатини яхшилашга асосий эътибор берилди. Кун-кеча бирлашма коллективига 1977 йилда давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришда энг яхши натижаларга эришганлиги учун СССР Давлат стандарти ва ВЦСПСнинг дипломи топширилди.

Бу ерда ҳозир 6 хил маҳсулот давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Маҳсулотнинг умумий ҳажмида давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган буюмлар салмоғини 35 процентга етказиш нияти.

Г. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон ССР Давлат стандарти ходими.

ИЛҒОР УСУЛДА

Лак-бўёқ заводининг коллективи истеъмолчиларга маҳсулот жўнатишнинг янги илғор усулини жорий қилди. Йирик кунларга қадар ҳам корхона пигмент, қуруқ бўёқ сингари сочилувчи маҳсулотларни истеъмолчиларга юбориш учун бир неча тонналаб қоғоз қоплар сотиб олар эди. Энди эса бу маҳсулотлар резинадан тайёрланган махсус контейнерларга жойланиб, истеъмолчиларга жўнатилмоқда. Янги иш усулига ўтиш туфайли корхонада деярли 100 минг сўм тежаб қолинади.

• *Сўз—фестиваль қатнашчиларига*

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамаду ИСАК,
Гвинея кино жамиятининг вакили.

Тошкент кинофестивалининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган шиори чиндан ҳам ўзининг кенг мазмуни билан ана шу анжуманнинг қаҳрамонига айланиб қолди. Ҳақиқатан ҳам, Франциядаги кўпгина саноат корхоналарининг хўжайинлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ўрнига, ишсизлар сонини кўпайтириш, ишчиларни қисқартиришга ҳаракат қилаётган бир пайтда, Тошкент фестивалининг ишсизлар ҳақидаги фильмларни намойиш этиши ҳам бежиз эмас.

Мен ҳам уни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайман.

Бундай кенг давра олган халқаро йиғинда қатнашиш ҳар бир кишига яхшигина фикрларни беради. Энг муҳими — турли мавзуларда яратилган картиналарни кўриб катта маданий озиқ оламиз. Келгусида бажаришимиз лозим бўлган вазифаларни белгилаймиз, кино тараққиёти борасидаги режаларимизни аниқлаб оламиз.

Гвинея кинематографияси Тошкент фестивалига «Амилкал— Кабрал» ҳужжатли фильмини олиб келди. Бу картинанинг мазмуни, унинг ғояси номидан ҳам яхши англашилиб турибди. Гвинея халқининг оташин фарзанди Амилкал Кабрал ўз халқининг бошидан кечирган оғир қийинчиликларга барҳам бериш, кишиларнинг эртанги бахтли турмушини яратиш йўлида жуда кўп хизмат қилган ажойиб ватанпарвардир. Фильмда ана шу инсоннинг ҳаёти, олиб борган ишлари, оташин сўзлари лента-лар воситаси билан тасвирланади.



Уч қитъа мамлакатларининг катта кино анжуманн қизғин ўтмоқда. Унинг қатнашчилари бир-бирлари билан ижод ва маҳорат сирлари ҳақида қувониб гаплашмоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) Муҳамед Ульд Солих (Мавритания), режиссёр Дирисса Муанзи (Уганда) ва режиссёр Хабиямберс Госпар (Руанда).

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Т. Ф. МАКАРОВА, СССР халқ артисти.

Мен Тошкент кинофестивалида биринчи марта қатнашмоқдаман. У ҳақда ўзимнинг фикрларимни биринчи марта баён қилаётирман. 1941 йилда Тошкент шаҳрида фильмни суратга олишда қатнашганман. Улуғ Ватан уруши йилларида Ленинград шаҳри қамалда қолгандан кейин Ўзбекистон пойтахтига ижодий ишларни давом эттиргани келган эдим. Ўша пайтдаги меҳмондўстлик менинг кўз олдимдан ҳамон ўтиб турибди. Ўшандан буён қалбимда энг самимий муносабатлар сақланиб қолган. Ҳозирги Тошкент шаҳрини кўриб таниёлмай қолдим. У чинакам замонавий шаҳарга айланган. Лекин кишиларнинг меҳмоннавозлиги ундан ҳам ошиқлашган.

Кинофестивалда хизмат қилаётган барча ташкилотларнинг ўз ишини яхши ташкил этганлиги кўпгина мамлакатлар билан ижодий муносабатлар ўрнатиш, бафуржа суҳбатлашиш имкониятини бермоқда. Фестивалнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори думалоқ стол атрофига кинонинг энг ажойиб арбобларини жамул-жам этган.

Ҳаётимнинг 30 йилдан ортиғини кинога бағишладим. Ана шу йилларда жуда кўп фильмлардаги ролларни ижро этдим. Масалан, «Комсомольск», «Ёш гвардия», «Кишилар ва йиртқичлар», «Журналист». «Инсонни севиш», «Она-киз» ва бошқа фильмлардир. Ҳозирги пайтда С. Герасимов суратга оладиган А. Толстойнинг асари асосидаги «Петрнинг ёшлиги» фильмида бош қаҳрамон Петрнинг онаси Наталья Кирилловнанинг ролини бажаришни ниятидаман.

Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтида С. Герасимов билан ҳамкорликда актёрлик ва режиссёрлик студиясида педагоглик ишларини ҳам олиб боряпман. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон студентлари киритилган биринчи курс студентлари билан машғулот олиб бормоқдаман.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

▲ «Усиб келаётган авлоднинг саломатлиги» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

▲ Вашингтонга келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 27 май куни АҚШ президенти Ж. Картер билан Оқ уйда учрашди. Икки ўртада Совет— Америка муносабатлари масалалари бўйича фойдали фикр алмашув бўлиб ўтди.

▲ КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Италия Коммунистик партияси вакили Э. Берлингуэр 18 майдан 28 майга қадар Совет Иттифоқида бўлди. Делегатлар Москва, Ленинград, Рига шаҳарларида бўлдилар.

▲ Мамлакатимиз ҳаётига оид ва чет эллардан олинган турли хабарлар босилган.

• ФУТБОЛ

БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ

Кеча «Пахтакор» ўз майдонида «Черноморец» командасини қабул қилди. Асосий воқеалар учрашувнинг иккинчи бўлимида содир бўлди. Ярим ҳимоячи Баканов чап қанот бўйлаб меҳмонларнинг жарима майдонига катта тезликда яқинлашиш ва тўпни жарима майдонига узатди. Тўпга биринчи бўлиб етиб келган Фёдоров уни дарвозага йўллади. Орадан кўп ўтмасдан меҳмонларнинг ҳимоячилари жарима майдонида М. Анни йиқитишди. Учрашув судьяси 11 метрли жарима тўпи белгилади. Аммо Макаров тепган тўпни меҳмонлар дарвозабони қайтаришга муваффақ бўлди.

Учрашув тугашига бир неча дақиқа қолганида Соколовский «Пахтакор» дарвозасини нишонга олиб, ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Вокзал майдонидаги Туркистоннинг 14 комиссари ҳайкали ёнидан ўтувчи Салор каналида яна бир кўприк фойдаланишга топширилди. Янги кўприк бульвар типида қайта қурилаётган Тарас Шевченко проспектида икки томонлама кўча ҳаракатини йўлга қўйиш имконини беради.

7-кўприксозлик трестига қарашли 13-кўприксозлик отряди-нинг бунёдкорлари кўприкни қисқа вақт ичида қуриб битказдилар. Ҳозир иккала кўприкни ўз ичига олган Шевченко проспекти янада ободонлаштирилмоқда.

Бу проспект келгусида «Ўзбекистон» машиний ҳизмат уйидан шаҳар марказини томонга реконструкция қилиниб, давом эттирилади. Бульвар ўртасида гулзорлар ва аҳоли дам олиши учун ҳордиқ жойлари, пиёдалар учун чиройли йўлкалар қурилади. Проспектнинг иккала тарафида эса осмонўпар меъморчилик комплекслари қад кўтаради.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқларига ҳужум давом этмоқда

Марсель почтальонлари яқинда бир ҳилдаги 825 конвертни шаҳарнинг турли қисмларига тарқатдилар. Бу конвертлардаги хатларнинг мазмуни ҳеч қандай шоду-хуррамлик бахш этмас эди. «Террэн» кемасозлик корхонасининг маъмурияти ана шу йўл билан 825 ишчи ишдан бўшатилганлигини эълон қилди. Фақат кемасозлик саноати эмас, Франциядаги кўпгина саноат корхоналарининг хўжайинлари ҳам бошдан кечираётган иқтисодий қийинчиликларни ишчиларни кўплаб ишдан бўшатиш йўли билан бартараф қилишга уринмоқдалар. «Пешинэ-южин кольман» концернининг дирекцияси 400 ишчи ишдан бўшатилажагини маълум қилди. Банкрот бўлаётган «Буссак» тўқимачилик группаси ҳам потгатдан қутилиш баҳонаси билан бир йўла 5 фабрикани ёпиб, 1.400 тўқувчини ишдан бўшатишни мўлжаллаяпти.

Францияда кейинги ойларда ишсизлар анча кўпайди. Умум-меҳнат конфедерацияси нинг маълумотларига қараганда, апрель ойининг охирида ишсизлар сони март ойидагига нисбатан яна қарийб 73 минг нафар кўпайган ва 1 миллион 452 минг кишига етган. Иш топиш проблемаси француз ёшлари учун энг кескин проблема бўлиб қолди. Ишсизларнинг кўпчилигини— 64,9 процентини йигит ва қизлар ташкил этади.

Мактабларни битириб чиқувчи 700 минг ўқувчи ва студентлар ишчи кучлари бозорида пайдо бўладиган бир пайтда корхоналар кетмакет ёпилмоқда. Маълумлар якинда «иш билан таъминлаш миллий пакти» деб аталган пактни таклиф қилган эдилар. Лекин бу чора ишсизликни бартараф қилиш масаласини ҳал эта олмади. Меҳнат бозоридаги аҳволнинг мушкуллашиб бораётганлиги, нарх-наво доим кўтарилаётганлиги, миллий бюджет дифецитининг ортганлиги (экономистларнинг ҳисоб-китобича бу дефицит йил охирига бориб 20 миллиард франкка етиши мумкин) — буларнинг ҳаммаси ҳукумат кризисли ҳолатнинг бутун машаққатларини меҳнаткашлар зиммасига юклаш йўли билан экономикани «соғломлаштириш» юзасидан тузган план оқибатидир.

Франция бош министри Раймон Барр яқинда телевидение орқали сўзлаган нутқида бундай деди: менинг ҳукуматим 1976 йил сентябрь ойида ишлаб чиқилган йўлга бундан буён ҳам амал қилиш ниятидадир. Р. Барр меҳнаткашларнинг ҳаридқувватини ҳимоя қилиш учун маъмурлар қандай чораларни амалга оширмоқчилар деган саволга жавоб бермади. «Бу— корхоналарнинг ишидир», — деди у. Бошқача қилиб айтганда,— бу хусусий капиталнинг ишидир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, монополияларнинг манфаатларини назарда тутиб иш кўраётган ҳукумат доиралар (буларнинг ўзлари ҳам трест ва концернларнинг хўжайинларидир) март ойида ўтказилган парламент сайловида мамлакатдаги сўл кучларнинг муваффақият қозона олмаганлигидан фойдаланиб, Франция кенг меҳнаткашлар оммасининг ҳуқуқларига ҳужумни кучайтирмоқдалар. Шунинг учун ҳам тараққийпарвар касаба союзлари даъват этганидек, француз ишчилар ҳаракати турли отрядларининг мустаҳкам бирлигини таъминлаш ҳозир ҳар қачонгидан кўра кўпроқ зарурдир. Меҳнаткашлар бу даъватга жавобан ўзларининг қонуний ҳуқуқларини ва адолатли талабларини ҳимоя қилиш учун ҳамма жойда забастовка курашини кенг авж олдирмоқдалар.

Е. БАБЕНКО,
ТАСС шарҳловчиси.

ЯКУНЛОВЧИ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ УЧУН


ПАРТИЯ ЎҚУВИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ҲАМДА КОМСОМОЛ СИЁСИЙ МАОРИФИ СИСТЕМАСИДАГИ 1977—78 ЎҚУВ ЙИЛИ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

«ДУМАЛОҚ СТОЛ АТРОФИДА» СУҲБАТ

Партия ўқуви ва иқтисодий таълим ҳамда комсомол сиёсий маорифи системасидаги бу йилги ўқув йили анча самарали бўлди. Партия ва давлатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалар — СССР ва Ўзбекистон республикаси янги Конституцияларининг қабул қилиниши, Улуғ Октябрь 60 йиллигининг нишонланиши, ВЛКСМ XVIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига сафари, унинг Германия Федератив Республикасига визити пропагандист ва тингловчиларнинг диққат марказида бўлди. Пойтахт меҳнаткашлари Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларини ғоят зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар, улардан ғоявий эътиқод, ватанпарварлик ва ижодий ташаббускорликнинг илҳомбахш янги қудратини олмоқдалар.

Бинобарин, ўқув йилини яхши ўтказишгина эмас, балки уни муваффақиятли якунлаш, якунловчи машғулотларни юксак савияда ўтказиш ҳам муҳимдир. Яқинда Тошкент шаҳар партия комитети ва «Тошкент оқшоми» газета редакцияси уюштирган В. И. Ленин Марказий музейи филиалида бўлиб ўтган анъанавий «Думалоқ стол атрофида» суҳбатининг барча қатнашчилари бу фикрни таъкидлаб ўтдилар. Унда район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, идеология активистлари, пропагандист ва тингловчилар қатнашдилар. Суҳбатни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов очди ва олиб борди. Якунловчи машғулотларни ўтказиш билан ҳамда бир вақтнинг ўзида яғи ўқув йилига тайёргарлик билан боғлиқ долзарб вазифалар муҳокамаси қизғин ўтди.

Сўз «Думалоқ стол атрофида» суҳбатининг қатнашчиларига.



◆ ВАҚТДАН ЎЗГАНЛАР

Меҳнатда пешқадамлар

Шаҳримиз меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш борасида фидокорлик билан меҳнат қилиб, катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Мана бу фотолавҳаларда зарбдорларча меҳнат қилиб, кўпларга ўрнак бўлаётган илғор ишчилар акс этган.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги учун турли хил абразив маҳсулотларини кенг кўламда тайёрлаб бераётган абразив комбинати коллективи корхонанинг ветеран ишчиси, токарь, коммунистик меҳнат зарбдори, ёш ишчиларнинг дўсти ва устози Ибраим Мавлютов номини ҳурмат билан тилга олади. Шу корхонада 33 йилдан буён баракали меҳнат қилиб, дастгоҳларнинг бир меъёрда ишлашига ўз ҳиссасини қўшаётган бу ишлаб чиқариш ветерани «Шавкатли меҳнати учун» медали ва бир неча марта «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонлари билан мукофотланган.

Пастдаги суратда «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқув цехининг тўқувчилар бригадаси аъзоси Жамила Ҳайдаровани кўриб турибсиз. Муntазам равишда юқори сифатли маҳсулот — капрон матолари ишлаб чиқараётган бу ишчан аёл ўзининг шахсий беш йиллик топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган ташаббускорлардан биридир. У ўз бригадаси аъзоси, коммунистик меҳнат зарбдори Марзия Норматхўжаева билан мусобақалашмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.



• *Беш йиллик вахтасида*

ФЕСТИВАЛГА АТАБ

Пойтахтимиз дағдағали булка-кондитер комбинатининг 5-ишлаб чиқариш қандолатчилари 1978 йилда қувончли меҳнат ютуқларини қўлга киритишмоқда. Коллективда бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш ташаббуси билан меҳнат қилаётганлар сафи тобора кенгаймоқда. Бу ерда ўн икки хил миллий шарқ ширинликлари тайёрланади.

— Коллективимиз графикдан анча ўзиб меҳнат қиляпти, — дейди 5-ишлаб чиқариш мудири Мансур Муталов.— О. Аҳмадохунов, Н. Мажидов, А. Умаров бошлиқ бригадаларимиз ойлик ва кунлик топшириқларини доимо ошириб бажаришяпти. Мазкур бригадалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ташкил қилинган. Ўз яхши натижалар бермоқда. Яқинда комбинатимизда қувончли воқеа юз берди. Комбинат 1978 йил биринчи кварталининг планини муддатидан илгари ado этиб, ҳозирги кунда 1979— 1980 йиллар ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда. Қандолатчилар 1978 йил учун оширилган социалистик мажбуриятларини қабул қилиб, йиллик план топшириқларини муддатидан илгари— СССР янги Конституциясини н г бир йиллиги арафасида бажаришга аҳд қилганлар. Ғайрат билан меҳнат қилаётган коллектив улкан марралар сари одим ташламоқда.

Д. ИКРОМОВА.

АМАЛИЁТ БИЛАН БИРЛИКДА

М. Ф. СОЛДАТОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари

Сиёсий ва иқтисодий таълим системасида 1977—1978 ўқув йили ниҳоясига етмоқда. Шу муносабат билан шаҳар ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари бир қатор тадбирлар комплексини амалга оширишни кўзда тутмоқдалар. Бу тадбирларнинг кўплари бажарилди, яна кўпчилигини амалга оширш зарур.

«КПСС XXV съезди коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида совет қонунчилигини такомиллаштириш, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлаш хусусида» мавзуси юзасидан раҳбар ходимлар билан назарий, илмий-амалий ва методик конференциялар ўтказиш кўзда тутилмоқда. Идеология ишларининг ташкилотчилари «Идеология жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» КПСС XXV съезди» мавзусини муҳокама қиладилар. «Раҳбар меҳнати» курсини ўрганиш юзасидан мактаб ва назарий семинарларнинг раҳбарлари ўз конференцияларида машғулотлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ўрганадилар. «Социалистик жамиятда инженерлик меҳнати» курсини ўрганиш бўйича мактаб ва назарий семинарларнинг пропагандистлари конференциясида эса уннинг илмий-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича амалий ишлаги ролини ошириш мавзу бўлади.

Бу тадбирларни амалга ошириш шаҳар партия ташкилотларидан ташкилий-методик ишларни кучайтиришни тақозо этади. Чунки якунловчи машғулотлар сиёсий ўқишда муҳим босқич ҳисобланади. 1977— 1978 ўқув йили партиямиз ва халқимиз ҳаётидаги буюк воқеалар — СССР ва иттифоқдош республикалар янги Конституцияси қабул қилиниши, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланиши, РСДРП II съездининг 75 йиллигига тайёргарлик воқеаларига тўғри келди. Бу масалалар якунловчи машғулотларда пропагандистлар ва тингловчиларнинг диққат-марказида бўлмоғи зарур.

Кўпгина бошланғич сиёсий мактабларда, марксизм-ленинизм асослари мактабларида ва назарий семинарларда КПСС XXV съезди материалларини ўрганиш ниҳоясига етмоқда. Энг муҳими шундаки, ўқув якунларини ўтказишда ҳар бир коммунист, ҳар бир тингловчи съезд қарорларини, ўнинчи беш йиллик вазифаларини амалга ошириш юзасидан практик ишларини мулоҳаза қилиб кўриши зарур.

Шаҳар партия ташкилотида бу йилги ўқув йилида партия маорифи системасида 1134 бошланғич сиёсий мактаб, 2123 ўрта звено мактаблари, 1816 назарий, проблемали ва методик семинарлар ишлаб турибди, уларда 166984 тингловчи таълим олмоқда. Шундан 82343 коммунистдир, 4413 киши эса Тошкент шаҳар партия комитети марксизм-ленинизм университетида шуғулланмоқда. Бу йилги ўқув йилида 178227 киши иқтисодий таълим системаси тингловчилари бўлишди. Ўқувнинг турли звеноларида мактаб ва назарий семинарлар раҳбарларига 9823 коммунист жалб этилди. Пропагандистлар сафида партия ва совет ходимларидан 174 киши ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда иш олиб боришди, пропагандистлар орасида 2380 корхона, муассаса ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари, халқ хўжалигининг 6927 мутахассиси, олий ўқув юртлари, техникумлар ва мактабларнинг 1180 олим ва ўқитувчилари бор. Пропагандистларнинг 96 процентдан зиёдроғи олий ва тугалланмаган олий маълумотга эга.

Буларнинг ҳаммаси ўқув жараёнининг боришига актив, ишчан, таъсир этиб, ўз самарасини берди. Ўқувнинг турли формаларини кенг эгаллаш, ўрганилаётган мавзуларнинг актуаллиги, кўпчилик пропагандистларнинг юксак ишчанлиги ва ижтимоий малакаси, партия ташкилотларининг муттасил эътибори ўқув жараёнининг мазмунини янада чуқурлаштиришга, ҳар бир машғулотнинг самарадорлигини ва амалий фойдасини оширишга имкон берди. Лекин бу иш ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Оллинда якунловчи машғулотлар турибди. Шаҳарнинг ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир пропагандисти ва тингловчисининг вазифаси ўқув йилини муваффақиятли, самарали якунлашдир.

ЎҚУВНИНГ МУҲИМ ФОРМАСИ

Н. М. МЕЛЬНИКОВА,
Ленин район партия комитетининг секретари

Бу йилги ўқув йилида ўқувнинг турли формаларига районимиз меҳнаткашларининг 40 мингдан зиёд меҳнатчиси жалб этилди. Ўқув жараёнини ташкил этишда биз кишиларнинг онглилиги, маданияти савияси, гражданлик масъулияти ошганлиги, КПСС XXV съезди қарорларини, план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашда коллективлар қўлга киритаётган натижалар унинг таъсирчанлигининг асосий кўрсаткичи бўлишини назарда тутдик. Машғулотлар ўтказишнинг актив формалари: рефератлар тайёрлаш, амалий топшириқлар бажариш, суҳбат, конкрет иш анализи кенг қўлланилди.

Мунтазам суратда илмий-амалий, назарий, методик, ахборот конференциялари ўтказилмоқда. Уларда партия, совет, хўжалик ходимлари, таниқли олимлар, пропагандистлар доклад ва лекциялар ўқишяпти.

«Пропагандистнинг билими, ғоявий эътиқоди ва ташкилотчилик таланти — беш йиллик хизматига», «Партиявий пропагандаанинг назарияси, метод ва тажрибалари, идеологияга актив таъсир этиш» каби семинарлар ўтказилди. Ўқув йилининг ўрталарида «Ленин ғояларининг ҳаётбахш қудрати» мавзусида ўтказилган семинар-конференцияда 1000 дан ортиқ киши қатнашди. Ленинизм ғояларининг ҳаётбахш қудрати ҳақида Ленин районининг 12 та корхонасида, 3 та олий ўқув юртида, 4 та мактабда, 2 та ўрта звено мактабида, 3 та ҳарбий қисмда, 2 та ҳарбий госпитальда, 2 та ҳарбий-спорт клубида, 2 та ёзги лагерда, 2 та ҳарбий-ватан

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН



«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида Тошкентда ўтаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кино анжумани муваффақиятли давом этмоқда.

СУРАТДА: ҳиндистонлик киносанъаткорлар Видъя Синха ва кинопродюсер Рамешвар Далл. М. Нуриддинов фотолари.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. САИДОВ, Ҳ. ОЧИЛОВ: Биз Прометей ҳақида, унинг одамларга олов улашгани ҳақида қизиқ гаплар эшитганмиз. Иложи бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Қадимги юнон мифологияси (афсоналари)да кўпдан-кўп қаҳрамонлар образи бор. Прометей ҳам шундай афсонавий қаҳрамонлардан бири бўлиб, у одамларни худолар жабридан ҳимоя қилувчи паҳлавондир. Прометей Олимп тоғидан ўт (олов) ўғирлаб, одамларга ҳадя қилган. Бунинг учун у худо Зевс буйруғи билан тог қоясига боғланиб, муттасил қийноққа солинган. Қийноқ 30 минг йилгача, яъни уни Геракл озод қилгунча давом этган. Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей» трагедиясида бу қаҳрамон барча маданий бойликлар бунёдкорисифатида тасвирланган. Прометей ҳақидаги ривоят-сюжет Байрон, Гёте, Н. Очарев, Т. Шевченко каби шоир ва адиблар ижодида кенг ёритилган.

* * *

А. ШОКИРОВА: Мен кассирлик касбини ўрганмоқчи эдим. Бунинг учун каерда ўқишим керак?

Жавоб: Шаҳримиздаги Кафанов кўчаси, 65-уйга жойлашган «Ёшлик» мактаб-магазинига мурожаат қилсангиз Сизни бир ойлик курсларга қабул қилишади. Ўқувчилар 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия билан таъминланади. Бу «Ёшлик» мактаб-магазинига 2, 5, 8, 9, 10, 12-трамвайлар ва 22, 50, 80-автобусларда борилади.

* * *

А. ЗУФАРОВА: Айтингчи, шаҳримизда музика асбобларини созлайдиган ва ремонт қиладиган устахона борми?

Жавоб: «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасида турли хилдаги музика асбоблари ремонтдан чиқарилади ва созланади. Бу ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳримиздаги Весна кўчаси, 223-уйга жойлашган. 91—05—32 рақамли телефон орқали ҳам буюртма бериш мумкин. Кўрсатилган вақтда мутахассис буюртмачи уйига келиб, музика асбобларини созлайди ва уни ремонтдан чиқаради.

* * *

А. ҲАКИМОВА: Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги 8-туғруқхона бола туғилиши миқдори жиҳатидан, СССРда биринчи ўринда туради дейишади, шу ростми?

Жавоб: Ҳа, рост. Бу ерда бир йилда беш мингдан ортиқ, бир суткада 18-20 бола туғилади.

8-туғруқхона ташкил этилгандан бери ўтган 13 йил мобайнида бу ерда 57.860 бола туғилди, шундан 29460 нафари ўғил, 28400 нафари қиз боладир.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Дмитрий Ким 2-автомобиль ремонти заводида слесарь бўлиб ишлайди. Шу боисдан у йўл ҳаракати қоидасини бузиш хунук оқибатларга олиб келишининг тез-тез гувоҳи бўларди. Лекин у кўрганларидан хулоса чиқармади. Акс ҳолда ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмай туриб мотоцикл бошқаришга ўтирмаган бўларди. У ўзбошимчалик билан 73—61 ТНГ рақамли «Минск» мотоциклига ўтириб ишга жўнади. Тошкент халқа йўлининг Куйбишев шоссеси билан кесишадиган қисмида катта тезликда бораётган Д. Ким бирданига йўлнинг қарама-қарши ҳаракат йўлкасига чиқиб кетди. Натижада мотоцикл Ш. Абдиев бошқариб келаётган 76—26 рақамли «ЛИЗ—158» автобусига бориб урилди.

Д. Ким чап оёғининг суяклари синган, миясидан қалқиган ҳолда 3-шаҳар касалхонасига ётқизилди.

РУС, ўзбек, инглиз, француз ва немис тилларида ёзилган ана шу умумбашарий сўзлар дўстлик ва тинчлик шаҳри — Тошкентга ташриф буюрган кино санъати усталарининг эзгу истаклари, холис ва бегараз ниятларини ўзида мужассамлаштирган.

Одатдагидек, Тошкент кинофестивалида бепоён мамлакатимизнинг Осиё қисмида жойлашган тўққизта Совет Социалистик Республикалари ҳам ўзларининг кино санъатини ривожлантириш борасида эришаётган ютуқларини намойиш қилмоқда. РСФСР, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Киргизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон кинематографчилари ўз киностудияларида яратган сара картиналар фестиваль экранида намойиш этилмоқда.

Кинофестивалнинг тантанавор очилиш куни Санъат саройи экрани мезбонлар ихтиёрида бўлди. Шу куни СССР халқ артисти, Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Малик Қаюмов томонидан яратилган «Паранжи» ҳужжатли фильми ҳамда Совет—Югославия кинематографчилари томонидан яратилган «Муҳаббат ва нафрат» бадиий фильми намойиш қилинди. Шуниси қувончлики, ҳар иккала картинанинг илк премьераси ҳудди ана шу кино анжуманнинг байрамона кунларига тўғри келди.

«Муҳаббат ва нафрат» бадиий фильми тарихий-инқилобий мавзуда яратилган янги картина бўлиб, унда ўлкамиз тарихининг муҳим даврида содир бўлган воқеалар ўз тасвирини топган. «Ўзбекфильм» ва Югославия Социалистик Федератив Республикасининг «Сутьеска— фильм» киностудияси томонидан ижодий ҳамкорликда яратилган мазкур картинани таниқли ўзбек кинорежиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Равиль Ботиров ва югослав кинорежиссёри Жико Ристич постановка қилган. Сценарий ҳам ҳамкорликда битилган. Уни ёзишда совет кинодраматурги Одилжо Агишев билан фильмнинг постановкачиси — режиссёри Жико Ристич ҳамжиҳатликда ишлашган. Фильмда Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган шиддатли курашлар ва бу курашларда қон-қардошларимизнинг иштироки ўзининг тасвирини топган. Ўрта Осиёда олиб борилган курашларда югослав интернационалистлари ҳам маҳаллий меҳнаткашлар манфаатлари йўлида улар билан биргаликда курраш олиб борган. Фильм воқеалари марказида тақдир тақозоси билан Ўрта Осиёга келиб қолган ва ўз ихтиёри билан Қизил Армия сафига кириб, Совет ҳокимиятини душманларига қарши мардона жанг қилган жасур ва довюрак бир югославиянинг ҳаёти ва жанговар биографияси ўз ифодасини топган. Ролларни Альмира Исмоилова, Михаил Кононов, югославиялик актёр Фарук Беголи ва бошқалар ўйнаган. Эрк ва ҳуррият байроғи остида бирлашган турли миллат фарзандларининг ўзида мужассамлаштирган.

Одатдагидек, Тошкент кинофестивалида бепоён мамлакатимизнинг Осиё қисмида жойлашган тўққизта Совет Социалистик Республикалари ҳам ўзларининг кино санъатини ривожлантириш борасида эришаётган ютуқларини намойиш қилмоқда. РСФСР, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Киргизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон кинематографчилари ўз киностудияларида яратган сара картиналар фестиваль экранида намойиш этилмоқда.

Кинофестивалнинг тантанавор очилиш куни Санъат саройи экрани мезбонлар ихтиёрида бўлди. Шу куни СССР халқ артисти, Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Малик Қаюмов томонидан яратилган «Паранжи» ҳужжатли фильми ҳамда Совет—Югославия кинематографчилари томонидан яратилган «Муҳаббат ва нафрат» бадиий фильми намойиш қилинди. Шуниси қувончлики, ҳар иккала картинанинг илк премьераси ҳудди ана шу кино анжуманнинг байрамона кунларига тўғри келди.

«Муҳаббат ва нафрат» бадиий фильми тарихий-инқилобий мавзуда яратилган янги картина бўлиб, ўлкамиз тарихининг муҳим даврида содир бўлган воқеалар ўз тасвирини топган. «Ўзбекфильм» ва Югославия Социалистик Федератив Республикасининг «Сутьеска— фильм» киностудияси томонидан ижодий ҳамкорликда яратилган мазкур картинани таниқли ўзбек кинорежиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Равиль Ботиров ва югослав кинорежиссёри Жико Ристич постановка қилган. Сценарий ҳам ҳамкорликда битилган. Уни ёзишда совет кинодраматурги Одилжо Агишев билан фильмнинг постановкачиси — режиссёри Жико Ристич ҳамжиҳатликда ишлашган. Фильмда Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган шиддатли курашлар ва бу курашларда қон-қардошларимизнинг иштироки ўзининг тасвирини топган. Ўрта Осиёда олиб борилган курашларда югослав интернационалистлари ҳам маҳаллий меҳнаткашлар манфаатлари йўлида улар билан биргаликда курраш олиб борган. Фильм воқеалари марказида тақдир тақозоси билан Ўрта Осиёга келиб қолган ва ўз ихтиёри билан Қизил Армия сафига кириб, Совет ҳокимиятини душманларига қарши мардона жанг қилган жасур ва довюрак бир югославиянинг ҳаёти ва жанговар биографияси ўз ифодасини топган. Ролларни Альмира Исмоилова, Михаил Кононов, югославиялик актёр Фарук Беголи ва бошқалар ўйнаган. Эрк ва ҳуррият байроғи остида бирлашган турли миллат фарзандларининг ўзида мужассамлаштирган.

Одатдагидек, Тошкент кинофестивалида бепоён мамлакатимизнинг Осиё қисмида жойлашган тўққизта Совет Социалистик Республикалари ҳам ўзларининг кино санъатини ривожлантириш борасида эришаётган ютуқларини намойиш қилмоқда. РСФСР, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Киргизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон кинематографчилари ўз киностудияларида яратган сара картиналар фестиваль экранида намойиш этилмоқда.

Кинофестивалнинг тантанавор очилиш куни Санъат саройи экрани мезбонлар ихтиёрида бўлди. Шу куни СССР халқ артисти, Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Малик Қаюмов томонидан яратилган «Паранжи» ҳужжатли фильми ҳамда Совет—Югославия кинематографчилари томонидан яратилган «Муҳаббат ва нафрат» бадиий фильми намойиш қилинди. Шуниси қувончлики, ҳар иккала картинанинг илк премьераси ҳудди ана шу кино анжуманнинг байрамона кунларига тўғри келди.

